

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲМИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-96-104>

Тоғаев Шавкат Хуррамович

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими”

кафедраси мудири ф.ф.н., доцент.

АННОТАЦИЯ

Мақола таълим тизимида фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиши самарадорлигини оширишининг илмий-услубий масалаларини таҳлил қилишга багишланган. Унда бугунги инсоният ҳаётида кечаётган мураккаб, зиддиятли ижтимоий-икътисодий ўзгаришилар, турли даражса ва қўламларда намоён бўлаётган муаммо ва иллатлар замонавий жамиятларда юз берадиган маънавиятсизлик, уни бартараф этишида муҳим ўрин тутувчи фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни етарлича ўқитилмаётгани туфайли келиб чиқаётгани асосланган. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган назарий ва амалий ишлар, уларга оид сиёсий-хуқуқий ҳужжатлар ва илмий манбалар таҳлил қилиниб, мамлакат олий таълим тизимида мазкур фанларни ўқитиши зарурияти ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Айни пайтда мақолада қўйилган муаммолар таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашга доир хулоса ва таклифлар берилган.

Калим сўзлар: маънавият, маънавиятсизлик, ижтимоий-гуманитар фанлар, фанларни ўқитиши зарурияти, жамият, таълим, тарбия, олий таълим, маълумотлилик, фанларни ўқитиши зарурияти, хуқуқ, демократия.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена анализу научно-методических вопросов повышения эффективности преподавания философских и общественных наук в системе образования. В его основе сложные, противоречивые социально-экономические изменения, происходящие в жизни современного человека, проблемы и пороки разного уровня и масштаба, обусловленные бездуховностью современных обществ, недостаточной преподаваемостью философских и общественных наук, играющих важную роль в его преодолении. В связи с этим анализируются теоретические и практические работы, проводимые в Узбекистане, их

политико-правовые документы и научные источники, а также показывается необходимость и важность преподавания этих предметов в системе высшего образования страны. В настоящее время на основе анализа поставленных в статье проблем сделаны выводы и рекомендации по подготовке квалифицированных кадров для социально-гуманитарной сферы в Узбекистане.

Ключевые слова: духовность, безнравственность, общественные науки, необходимость преподавания наук, общество, образование, воспитание, высшее образование, просвещение, необходимость преподавания наук, право, демократия.

ABSTRACT

The article is devoted to the analysis of scientific and methodological issues of increasing the efficiency of teaching philosophical and social sciences in the education system. It is based on the complex, contradictory socio-economic changes taking place in the life of a modern person, problems and vices of various levels and scale, due to the lack of spirituality of modern societies, insufficient teaching of philosophical and social sciences, which play an important role in overcoming it. In this regard, the theoretical and practical work carried out in Uzbekistan, their political and legal documents and scientific sources are analyzed, and the necessity and importance of teaching these subjects in the country's higher education system is shown. At present, based on the analysis of the problems posed in the article, conclusions and recommendations have been made on the training of qualified personnel for the social and humanitarian sphere in Uzbekistan.

Keywords: spirituality, immorality, social sciences, the need for teaching sciences, society, education, upbringing, higher education, enlightenment, the need for teaching sciences, law, democracy.

КИРИШ

Инсоният тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичида дунё халқлари ҳаётида маънавиятга, уни илмий асосларда ривожлантиришга эҳтиёжлар ортиб бормокда. Буни бугунги глобал муаммолар тизимида маънавий инқирозларнинг чуқурлашаётгани ва бу жараённинг олдини олишга қаратилган демократик интилишларда, дунёдаги ҳар бир халқ ва мамлакат тараққиётида маънавият ва мафкуранинг ғоят муҳим, баъзан эса ҳал қилувчи рол ўйнаётганида яққол кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда жамият тараққиётининг асоси – маънавият, деб эътироф этилгани ва мустақиллик йиллари бу борадаги ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани бежиз эмас. Бироқ бунга ҳамиша ва ҳар жойда етарлича эътибор берилаяпти, деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Авваламбор, ҳозирги вақтда маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини аксарият кўпчилигимиз ҳали ҳам чуқур тушуниб етганимиз йўқ”[1, 12].

Дарҳақиқат, қаердаки маънавият, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни етарлича тушунилмаса, уни ривожлантиришда асосий ўрин тутувчи ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга жиддий эътибор берилмаса, ўша ерда муаммолар камайиш ўрнига кўпайиши мумкин. Хусусан, ҳозирги даврда дунёдаги кўплаб ҳалқлар ҳаётида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам намоён бўлаётган муаммо ва иллатларнинг аксарияти айнан маънавиятсизлик, маънавият масалаларига етарлича эътибор бермаслик, бу борада муҳим ўрин тутувчи фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни етарлича ўқитмаслик туфайли келиб чиқмоқда. Шунга кўра, айтиш мумкинки, бугунги инсоният ижтимоий ҳаётидаги барча босқич, соҳа, йўналиш, даража ва кўламда намоён бўлаётган турли муаммоларни ҳал этилиши айни шу соҳадаги ишлар самарадорлигига боғлиқдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳ қилиниб, унда маънавий тарбия масалалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани, хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли, 2021 йил 26 марта “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарорлари, Вазирлар маҳкамаси томонидан 2019 йил 31 декабрда тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли, 2021 йил 3 июндаги “Республика маънавият ва маърифат маркази хузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сонли қарорлари, айни пайтда, давлатимиз раҳбарининг ҳалқ таълими тизимини ривожлантириш масалаларига бағишлиб 2019 йил 23 августда, 2020 йил 30 октябрда, 2021 йил 19 январда, 2022 йил 28 январь ҳамда 5 апрель кунлари ўтказилган видеоселектор йиғилишларидаги маъruzalariда, шунингдек 2017 йил 14 марта “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги,

2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент Қарорлари ҳамда 2020 ва 2021 йилга Олий Мажлисга Мурожаатномалари ва “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” бўйича қатор чиқишиларида кўрсатилган вазифалар юртимизда маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳаларидаги ишларни ривожлантиришда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатлар таълим-тарбия тизимидағи ишларни замонавий талабларга мувофиқ ташкил ташкил этиб, ёшлиаримизни миллий истиқлол ғоялари руҳида ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ва умуман, халқимиз маънавиятини юксалтириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, жамиятимизда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш самарадорлигини янада ошириш, хусусан, бунда замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш долзарб вазифалардандир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда маънавиятни, уни ривожлантиришда муҳим ўрин тутувчи ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишнинг назарий ва амалий масалаларига доир муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, фалсафа фанлари доктори Исмоил Саифназаровнинг “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни нега кучайтиришимиз керак?”[2], Файласуф, социолог ва антрополог Валерий Ханнинг “Бизга Эйнштейнлар керакми?” [3], Элдор Асановнинг “Гуманитар фанлардан нима наф?”[4, 24-31] номли тадқиқотлари ва бошқа қатор ишларда эътиборга молик асосли фикр ва таклиф-тавсиялар илгари сурилган. Хусусан, уларда таълим тизимида фалсафа ва ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг ижтимоий-функционал моҳияти, бу борадаги долзарб муаммо ва вазифалар ҳамда тажрибалар атрофлича таҳлил қилинган. Айни пайтда, мавжуд ишларда бугунги таълим тизимида фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг инсон ва жамият ҳаёти ва тараққиёти талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқувчи туб ижтимоий-фалсафий асослари, хусусан уларни тизимли ўқитишнинг “объектив” зарурияти ва аҳамиятини белгиловчи ҳаётий омиллар етарлича ёритилмаган.

Шунга кўра, кейинги вақтларда Республикализ таълим-тарбия тизимидағи мутасадди муассаса-ташкилотлар ва улардаги мутахассис-олимлар томонидан бу борадаги ишларни тараққиётимиз талабларига мувофиқ янада ривожлантиришга қаратилган фаол ҳаракатлар олиб борилаётгани ғоят ибратлидир. Зоро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизда узоқ йиллар давомида ижтимоий фанларга нисбатан бир томонлама технократик ёндашув, бу борадаги масалаларга ажабтовур бир ўгай қараш шаклланиб қолган.

Айни пайтда, афсус билан қайд этиш мумкинки, ҳалигача узлуксиз таълим босқичларида, айниқса олий таълим тизимида ижтимоий фанларни қанча ҳажмда ва қандай йўналишларда, қай бир шаклда ва қандай мазмунда ўқитиш ва ўргатиш бўйича яхлит концепция йўқ.

Афсуски, айрим калтабин мулозимларнинг Ижтимоий фанлардан фойда йўқ” қабилидаги ножўя қарашлари оқибатида ушбу фанларнинг салмоғи ва сифатини тушириб юборишга йўл қўйилди”[5, 231-232].

НАТИЖАЛАР

Инсон ва жамият ҳаётида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни, уларни таълим тизимида ўқитишининг назарий ва услубий масалалари барча даврларда дунё олимларининг эътиборида бўлиб, бу борада ўзига хос илмий қараш, назария ва таълимотлар яратилган. Уларни атрофлича ўрганиш натижаси сифатида айтиш мумкинки, туб ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра таълим-тарбия институционал тизими фаолиятининг стратегик мақсади – фақатгина у ёки бу соҳа учун мутахассис-кадрлар тайёрлаш эмас, балки кенг маънода, инсонни тарбиялаш, яъни жамият аъзоларида ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт талабларига мос биоижтимоий хосса-хусусиятларни шакллантириш, уларда чин инсоний хислат ва фазилатларни камол топтиришdir. Шунга кўра таълим-тарбия тизимидағи асосий масала фақат математик, физик, химик ёки инженер, врач, ўқитувчи каби турли соҳалар бўйича мутахассис-кадр етишириш бўлиб қолмаслиги керак, булар иккинчи ёки ундан кейин турадиган масала. Бу ўринда касб-хунар ёки ихтисосликка оид билим, малака, кўникма ва маълумотлар эмас, инсоний фазилатлар биринчи ўринда туради. Негаки, жамият учун, ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт учун аввал у ёки бу касб-хунар ёки алоҳида бир ихтисосликка оид билим, малака ва кўникма эмас, чин инсоний хислат ва фазилатлар муҳимроқ. Яъни одамзод инженер, врач ёки агроном бўлишдан олдин албатта инсон бўлиш керак. Чунки инженер, врач ёки агрономдан инсон эмас, балки инсондан инженер, врач ёки агроном чиқариш мумкин. Шунга кўра, таълим-тарбия жараённida ўкувчи-талабаларга аввало инсон ва жамият ҳақидаги

билимлар берилиши, уларга ана шу билимларни берувчи ижтимоий-гуманитар фанлар албатта ўқитилиши зарур.

Айни пайтда умуман “маълумот” ёки “олий маълумот” тушунчаларининг тизимили-структуравий таркиби таҳлил қилинганда ҳам уларнинг туб фалсафий-онтологик мазмунида айнан ижтимоий-гуманитар билимлар асосий ўрин тутиши маълум бўлади. Бунда одамларнинг маълумотлилик даражаси, хусусан олий маълумотлилик мазмуни ва мақоми айнан улардаги ижтимоий-гуманитар билимлар билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан агар олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилмаса, унда олий таълимда маъно қолмайди, фақат мутахассисликка оид касбий билимларни ўзлаштирган битиравчи кадрлар олий маълумотли эмас, шунчаки мутахассис – тегишли касб-ҳунарни эгаллаган киши бўлиб қолади. Бундай мутахассислик ёки касбни эса фақат маҳсус олий ўқув юртида ўқиб эмас, тегишли соҳадаги бирор коллеж ёки ишлаб чиқариш обьектида, у ердаги тажрибали мутахассисларга шогирд тушиб, амалий ишларда қатнашиб ҳам етарлича ўрганиб-ўзлаштириш мумкин.

Ижтимоий ҳаётда маълумотлилик мақомини ҳамда таълим-тарбия тизимида ижтимоий-гуманитар билимларнинг заруриятини белгиловчи яна бир муҳим ҳолат шуки, таълим тизимининг муайян босқичини, хусусан олий ўқув юртидаги мавжуд таълим йўналишини битирган мутахассис-кадрлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидағи тегишли лавозимларда, жумладан бошқарув лавозимларида раҳбарлик фаолиятини олиб бориши мумкин. Ҳар қандай муассаса-ташкилотдаги ўқимишли раҳбар ўз фаолиятида олий ўқув юртидаги ихтисослигига оид ўзлаштирган билим, малака, кўникмалардан ташқари ишда ва ҳаётда ҳар хил одамлар билан мулоқотда бўлиб, яшаш ва ишлашга тегишли ҳаётий билимлардан фойданишига тўғри келади. Раҳбарлик фаолиятининг предметида конкрет мутахассисликга оид нарсалар эмас, айнан одамлар, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва улар билан муносабатлар масаласи асосий ўрин тутади ва бу жараёнда у албатта инсон ва жамиятга доир билим, малака ва кўникмалардан фойдаланади. Масалан, завод ёки фабрика раҳбари у ердаги ускуналар билан эмас, кўпроқ ана шу ускуналарни ишлатувчи ёки бошқарувчи одам(кадр)лар билан ишлайди. Раҳбар ишда ва умуман ижтимоий ҳаётда муваффақиятга эришиши учун кўпроқ ана шу одамлар, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир конкрет илмий билимларни ўзлаштирган бўлиши шарт. Бу билимлар фақат ижтимоий-гуманитар фанлар орқали берилади ва улар қанчалик кўп ўқиб-ўзлаштирилса раҳбар фаолияти шу даражада самарали бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам умуман таълим тизимининг барча

босқичларида, хусусан олий таълим тизимида барча таълим йўналишларида ижтимоий-гуманитар фанлар умумий ўқув соатларининг камидаги 30 фоизи миқдорида мажбурий фанлар сифатида ўқитилиши, тайёрланадиган мутахассис-кадрлар инсон ва жамият ҳақида олий маълумот мақомига мос ҳақоний билимларни ўзлаштириши зарур. Ушбу билимлар қанчалик кўп бўлса, улар шу даражада самарали фаолият олиб бора олади.

МУҲОКАМА

Ўзбек тилида “Олий” сўзи – энг юқори, юксак деган маънони билдиради. У ижтимоий ҳаётдаги энг баланд мавқеи ва мартабага нисбатан қўлланилади. Шунга кўра, олий маълумот деганда, инсон томонидан ўзлаштирилиши мумкин бўлган энг юқори, юксак даражадаги билим, маълумот назарда тутилса, олий маълумотлилик деганда, ана шу маълумотга эга кишилар тушунилади ва улар замонавий жамиятларда тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланади. Олий маълумот олий таълим муассасаларида берилади. Таълимни олий таълим сифатидаги мақоми олий ўқув юртларида тегишли илмий билимларни ҳар томонлама чуқур ва юқори даражада ўқитилиши, хусусан уларда ижтимоий-гуманитар фанларни етарлича тизимли ўзлаштирилиши билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан, 2001 йилдан бошлаб Республика миздаги қатор олий ўқув юртларида фаолият юритиб келаётган “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида амалга оширилаётган назарий ва амалий ишларни тизимли ривожлантириш, бунда мазкур соҳа бўйича мутахассис-кадрлар тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ муаммо-масалаларни чуқур таҳлил қилиш ва тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш мухим аҳамиятга эга бўлиб, қўйида айни шу хусусда баъзи мулоҳазаларни баён қиласиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларда тўпланган тажрибалар таҳлилидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Республика миз олий таълим тизимида миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ таълими бўйича ўз вақтида йўлга қўйилган ташкилий-услубий ишлар мустақил тараққиётимиз талабларига мувофиқ бўлиб, улар бу борадаги фаолиятимизни янги босқичларда ривожлантириш ва келгуси вазифаларни аниқ белгилаш учун мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қиласи.

ХУЛОСА

Айни пайтда бугунги кунда дунёдаги ҳар бир халқ ва мамлакат ҳаётида ижтимоий-гуманитар билимларнинг, шу жумладан миллий ғоя, маънавият ва

мафкуранинг аҳамияти ортиб бораётгани, мазкур соҳа учун юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади. Шунга кўра:

1. Ҳозирги пайтда бутун дунёда, жумладан биздаги маънавий-мафкуравий масалалар бўйича илмий тадқиқот ишларини қучайтиришга реал эҳтиёжлар мавжуд. Шу боис бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, хусусан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Республика Маънавият ва маърифат кенгаши хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, 09.00.07-Маънавият тарихи ва назарияси, 09.00.05-Миллий ғоя тарғиботи технологиялари, 09.00.08-Маънавий тарбия, 09.00.09-Маънавий жараёнлар ва технологиялар каби ихтисосликларда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни ҳар жиҳатдан қучайтириш лозим.

2. Республика таълим тизимидағи барча босичларда, жумладан олий таълим муассасаларидағи барча таълим йўналиши ва мутахассисликларида фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларни, уларни ўқитишига ажратиладиган дарс соатларини кўпайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, мазкур фанлар бўйича янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишига жиддий эътибор қаратиш лозим. Айни пайтда уларга оид адабиётларни турли тилларда нашр этиш мақсадга мувофиқ.

3. Мутахассисларнинг кўрсатишларича, олий ўқув юртлари битирувчилари ишлаб чиқаришига боргач, таълим жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллашда қийналишмоқда. Шунинг учун ушбу йўналишдаги ўқув жараёнларида талабаларнинг амалий машғулотлари ҳажмини ошириш, бунда мазкур таълим турига Ўқув режаларида кўпроқ вақт ажратиш мақсадга мувофиқ.

4. Мамлакатимизда фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан миллий ғоя, маънавият ва мафкура бўйича малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш, бунда Республикамиз олий ўқув юртларидаги “Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими” бакалавриат таълим йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликлари учун қабул квоталарини ошириш, айни пайтда, мазкур таълим йўналиши базасидаги магистратура мутахассисликларини кўпайтириш, хусусан, бунда “Миллий ғоянинг фалсафий масалалари” ҳамда “Хуқуқ таълими” (ёки “Юрист-педагогика”) мутахассисликларини очиш мақсадга мувофиқ.

5. Ушбу таълим йўналиши битирувчиларининг касбий фаолият обьектлари доирасини кенгайтириш, бунда давлат таълим стандартларида уларнинг касбий

фаолият объектлари фақат таълим муассасаларидан иборат бўлиб қолмай, жамиятдаги маънавий-маърифий соҳа, йўналиш ва ташкилотлар (масалан, маҳаллалар, маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ш.к.) ҳам яққол кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –Б. 12. (Karimov I.A. The main criterion is to reflect the reality of life. -T .: "Uzbekistan", 2009. -B. 12.)
2. Саифназаров И. “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни нега кучайтиришимиз керак?” adolat.uz/news/izhtimoij-gumanitar-fanlarni-oqitishni-nega-kuchajtirishimiz-kera 29.10.2021 10:10:29. (Saifnazarov I. “Why should we strengthen the teaching of social sciences and humanities? ”)
3. Валерий Хан. “Бизга Эйнштейнлар керакми?” <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/16/optimization/#!> (Valery Khan. "Do we need Einsteins?")
4. Асанов Э. “Гуманитар фанлардан нима наф?” // “Тафаккур” журнали. – Тошкент: 2021 йил. – №4. – Б. 24-31. (Asanov E. "What's the use of the humanities?" // "Tafakkur" magazine. - Tashkent: 2021. - №4. - B. 24-31.)
5. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – Б. 231-232. (Mirziyoev Sh. New Uzbekistan strategy. - Tashkent: "Uzbekistan", 2021. - B. 231-232.)
6. Kandov, B. M. (2022). Current Issues of Harmony of Human and National Values In the Formation of Civil Station of the Youth of New Uzbekistan. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(8), 30-33.
7. Aktamovich, I. R., & Mirzayevich, K. B. (2021). The Role of Education and Upbringing in the Formation of a Harmonious Personality in the Process of Globalization. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(6), 33-37.
8. Hurramovich, T. S. (2022). the Role of Education and Upbringing in the Spiritual Education of Youth in the Renewed Uzbekistan. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(8), 38-42.
9. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyining ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.